*Buxoroning 2500 yilligiga*

# «ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА»

## ЧАШМАИ АЮБ АЛАЙҲИССАЛОМ МОЗОРЛАРИНИНГ ЗИКРИДА

Аюб алайҳиссалом қабристонининг қибла тарафида Хожа Каъбан лақаби билан машҳур бўлган Каъб бини Саид ал-Омирийнинг нурафшон мозори бор. Уни «Каъбони Обид» ҳам дер эдилар ва у Хожа абу Ҳафси Кабирнинг шериги бўлган экан, у кофирлар қўлида шаҳид бўлган. Абу Аҳмад Аскоф шундай дейди: «...Каъбон бир эски этикни кўтариб олдимга келиб, буни тузаттгин энди мен ғазотга бораман», — деб айтди. Мен: «Энди бу этикни тикиш фойдасиз, у мутлақо яроқсиз», — дедим. Хафа бўлиб: «Қўлингдан нима келса қил, мен тушимда Мустафони тўртта ёри билан кўрдим. Улар бу кеча биз билан бўласан дедилар», — деб тушини сўзлаб кетди. Бир илож қилиб этикни тикдим, Каъбон уни кийиб чиқиб кетди ва бир соатдан сўнг ҳалок бўлди. Бу воқеа 199 (814) йили бўлган эди.

Мавлоно Шамсуддин Маҳбубий (Жамолуддин Абдуллоҳ бини Иброҳим бини Аҳмад бини Абдулмалик бини Умар бини Абдулазиз Ибодий, ҳанафий фоқиҳи — Ш. В.)нинг мозори Чашмаи Аюбнинг шарқ томонида, мозор ҳавзасининг жанубидадир. Чашмаи Аюбнинг шарқ томонида Шаръобод мозорлари ҳам бор. Улар Хованд Садр уш-Шариа авлодидан бўлиб, Мавлоно Жамолуддин Маҳбубийнинг авлодларидан, уларга қариндош бўлардилар. Улар эса Ибода бини Сома

Боши ўтган сонларда

авлодларидандирлар. Насабларининг силсиласи ўрни билан баён қилинади.

Олам аломати бўлмиш Хованд Мавлоно садр уш-Шаърииаи Бузургнинг мунаввар ва пок марқадлари Шаръободда жойлашган. Фарзандлари Мавлоно Тожум — Шариа (ҳижрий 674-мелодий 1275 йили вафот қилган — Ш. В.) ва Мавлоно Бурҳон уш-шариа (Маҳмуд бини Садр уш-шариа ал-аввал — Ш. В.)нинг турбатлари кармон вилоятидадир. Уларнинг иккови ҳам олам қуёши эдилар. Хованд мавлоно Садр уш-шариа Абдуллоҳ бини Масъуд бини ал-имом Тожиддин Умар бини ал- Имом-Садр уш-шариа (Шамсуддин Аҳмад бини Жамолуддин Убайдуллоҳ) маъруф ва машҳур бўлган Убайдуллоҳ бини (Маҳмуд бини Муҳаммад бини Убайдуллоҳ бини) Иброҳим бини Аҳмад бини Абдулмалик бини Умар бини Абдулазиз бини Муҳаммад бини Жаъфар бини Халаф бини Ҳорун (ибни) Аҳмад бини Маҳбуб ибни ал- Ваид бини Ибода бини ас-Сома ал-Ансорий масжиди қурилишига асос солгандир.

Хованд Садри Шариа бу сулола бошловчиси бўлиб, арабу ажам ва олам уламоларининг устози ва халқнинг раҳбари бўлган. Ёзиб қолдирган хилма-хил асарлари уларнинг камолотларидан нишондир. Бу илмлардан ташқари, Оллоҳ уларга илми каромат, илми ладуний ва рамзийни ҳам берган. У Шайх Ҳасан Булғорий қабулига шарафманд бўлиб, 747 (1316) йили вафот қилган. Уларнинг қабри, фарзандлари ва яқинларининг марқадлари ҳам Шаръободдадир.

## СОМОНИЙ СУЛТОНЛАРИНИНГ ЗИКРИДА

«Ансоб» (китоби)нинг муаллифи ва Ҳофиз Ғинжор тилидан қуйидагича баён қилинади: «Улардан энг машҳурлари олам амри одили, раъият насиҳатчиси Абу Иброҳим бини Аҳмад бини Сомон, Мавлоимиз амир-Ал-Мўмининдир.У ғазот, адлу инсоф, илм аҳлининг ҳурмати ва уларни қадрлаш тўғрисида маъруф ва машҳур ҳадисларни мисол келтириб гапирарди. У Фарғонада 234/848 йили шаввол ойида тьаваллуд топган. 295/907 йили сафар ойида Бухорода 61 ёшида вафот этган. У Баҳром Чўбиннинг авлодларидандир. (Баҳром Чўбинни Ҳусрав, Анишервони Одил Арманистон ва Озарбайжоннинг ҳокими этиб тайинланган эди. Кейинчалик у Ҳурмиз бини Нўширавон ва Парвиз бини Ҳурмизга қарши чиққан эди — (Ш. В.). Нақл қиладиларки, бир куни султон Исмоил ўз ходимлари ва аҳли рикоби билан кетаётганда, муаззин азон айтибди. Султон буни эшитиб, ўзига-ўзи: «Оллоҳ таолони ҳамма эслайди, менинг эса отда кетаётганлигим одобсизликдир, деб отдан тушиб, намоз ўқибди. Вафотидан сўнг уни тушда кўриб, аҳволини сўрабдилар. Дебди:«Ўша таъзим ва тавозеим эвазига худо мени кечирди». Унинг отаси амир Аҳмад ибни Сомон ҳам олим ўтган экан. У Сафён бини Айина (ал-Ҳалолий ал-Куфий муҳаддис, 108—198/726—813 йиллари яшаган — Ш. В.), Исмоил бини Айина ва Язид бини Ҳорун (абу Холид Язид бини Ҳорун, Бану Салим Мавлолари, Бухоро аҳлидан ва зоҳиду муҳаддис, 1101-202 (728-817 йиллари яшаган — Ш. В) ҳадисларидан айтарди деб ривоят қилардилар. У Фарғонада 250/804 йили вафот этган.

Султон Исмоилнинг иккита акаси бор эди. Бири Абдулҳасан Наср бини Аҳмад. У ҳам олим ва муҳаддис бўлиб, 279/892 йилнинг жимод-ул ухра ойида вафот этган. Илм аҳлидан бўлган иккинчи биродари Абу Яъқуб Исҳоқ бини Аҳмад — Бухоро ҳокими эди. У Бухоро куҳандизида банди бўлган ҳолида 301/913 йили сафар ойида вафот этган.

Шоҳ Исмоил абу Насрнинг ўғли Аҳмад бини Исмоилни Жайҳун (Амударё) соҳилидаги Фирбар мавзесида 301/913 йилнинг жумодил-охир ойида ўз қуллари шаҳид қилдилар.

Шоҳ Исмоилнинг невараси Абулҳасан Наср бинни Аҳмад бини Исмоил 331/942 йили ражаб ойи пайшанба куни кечаси вафот этган. У ўттиз йилу бир ойу тўрт кун ҳукмдорлик қилган. Абу Муҳаммад Нуҳ бини Наср бини Аҳмад бини Исмоилнинг вафоти 343/954 йили, шанба куни, рабиъ ул-охир ойида бўлган.

Абулфаворис Абдулмалик бини Нуҳ бини Наср бини Аҳмад бини Исмоил шаввол ойининг чоршанба куни 350/961 йили вафот этган.

Абулқосим Нуҳ бини Мансур бини Нуҳ эса 378/988 йили ражаб ойида дунёдан кўз юмди. У 21 йилу тўққиз ойу бир неча кун ҳукмронлик қилган. Унинг буйруғига биноан фарзанди Абулҳорис Мансур бини Нуҳ номига 378/988 йили хутба ўқиганлар. Назмда ҳам сомоний султонларини авсф қилганлар.

**Тўққиз тан эдилар Сомонийлардан машҳур**
**Ҳар бири бир вилоят ва шаҳарга мазкур**
**Биттадан Исмоил, Аҳмад ва Наср**
**Иккитадан Нуҳ, Абдулмалик ва Мансур.**

Шеърда иккита Абдулмалик бўлганлиги ҳақида айтилган, аммо «Ансоб» китобида битта исм келтирилади. Айтишларича, сомонийлар салтанатлари 120 йил ҳукм сурган.

Сомония қабристонининг жанубий тарафидан бир оз юргандан кейин муҳаддис олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бини Аҳмад бини Муҳаммад бини Сулаймон бини Комил ал-Бухорий ал-Варроқ машҳур ба Ғинжор ал Ҳофизнинг мунаввар мозори чиқади. У «Тарихи Бухоро» ва «Фазоил-ус-саҳоба ал-арбаъа («Тўрт саҳобалар фазилатлари») номли китобларнинг муаллифидир. Унинг Ғинжор лақабини олишига сабаб шуки, ал-имом ал-муҳаддис Исо Шо бини Мусо ат-Таййма ал-Ғинжор асарларига татаббуъ қилган экан. У 402/1021 йили вафот этган экан.

Исо бини Мусо ал-Ғинжор ҳам Бухоро аҳлидан ва эски муҳаддислардан ҳисобланади, бироқ у Сарахсда 185/801 йили вафот қилган. Унинг икки муборак юзи доимо қизиллигидан шундай лақаб берган эканлар.

**(Давоми бор).**

*Ta'lim va tadbirkorlik*

# МУҚОБИЛ МАНБАЛАР

Республикамиз раҳбарияти таълим-тарбия соҳасига устивор йўналиш сифатида эътиборни қаратиб, уни маблағ билан таъминлашни йилдан-йилга оширмоқда. Шу мақсадларга 1991 йилда давлат умумхаражатининг 17,8 фоизи ажратилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 24,7 фоизга кўтарилди. Маблағ билан таъминлашнинг муқобил йўлларини ҳам излаб топиш, ҳомийлик ва таълим-тарбия муассасаларининг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, топаётган маблағлари эса уларнинг моддий базасини янада мустаҳкамлашда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир республикамизда таълим муассасаларининг ўз-ўзини бошқариш ва ўзини-ўзи қўшимча маблағ билан таъминлаш ҳаракати ҳам ривожланиб бормоқда. Кўпгина таълим-тарбия муассасалари бу борада, қисман бўлсада ижобий ютуқларга эришмоқдалар. Халқ таълими вазирлиги бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушаётган маблағнинг йил сайин ўсаётганлигини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: 1994 йилда 19 миллион 900 минг сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 106 миллион 300 минг сўмга (шундан 63 миллион 700 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари) етди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 1994 йилда 15 миллион 300 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1996 йилда 471 миллион сўмга етди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳам яхши натижаларга эришилаётир. 1994 йилда бу кўрсаткич 13 млн. 500 минг сўм бўлган бўлса, ҳозирда 68 млн. 800 минг сўмга етди. Бу маблағларнинг барчаси халқ таълими тизимидаги ташкилотлар, умумтаълим муассасалари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарлари ва жамоасининг тадбиркорликлари, меҳнатлари эвазига топилмоқда. Тадбиркорликда ибрат кўрсатаётган жамоалар ҳам кўп.

Айниқса, Ургут туманидаги 28, Дўстлик туманидаги 10, Хива туманидаги 21, Тошкент шаҳридаги 145-мактаблар, Наманган туманидаги 13-ҳунар билим юрти, Денов, Қибрай туманлари ва Бешариқ шаҳридаги ҳунар лицейлари жамоаларининг бу борада қилаётган ишлари диққатга сазовордир.

Таълимдаги тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳати, аввало, ўз зиммасидаги вазифалар доирасида фаолият кўрсатишдир. Масалан, тайёрлов бўлимлари, якка тартибда репититорлик, тарбияни такомиллаштириш, соғломлаштириш, педагогик ёрдам кўрсатиш каби хизмат турларини ташкил этиб, шу орқали қўшимча маблағ топиш. Хизматнинг бу каби турларида мавжуд бўлган турли-туман тўгаракларда, кичик устахоналарда болалар ноёб ҳунарлар сирларини ҳам ўрганишмоқда.

Шунингдек, кўпгина ўқув муассасалари қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйишган. Ҳозирда 2214 тадан ошиқ мактабларнинг 3541 гектар экин майдони, 518 гектардан зиёд боғи бор. Улар пахта, ғалла, полиз экинлари, шоли экишиб, даромад кўришмоқда. Шунингдек, мактаблар ихтиёридаги ёрдамчи хўжаликларда минглаб қорамол, қўй — қўзилар мавжуд. Бу каби ишларни янада жонлантириш, уни режали ташкил этиш борасида Халқ таълими вазирлигининг бир қатор расмий ва меъёрий ҳужжатлари чиққан. Улар асосида таълим муассасаларида ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Шу ўринда ўқитувчи-ю ўқувчилар асосий ишлари қолиб, хўжалик ишлари билан банд бўлиб қолмаяптимикин, деган ҳақли савол туғилади. Халқ таълими вазирлиги масаланинг ана шу жиҳатини ҳам ҳисобга олиб, бу каби ишларга асосан хизматчиларни, четдан қўшимча ишчи кучларни жалб этишни тавсия этган.

Сўнгги пайтда республикамизда иқтисодиёт маълум маънода изга тушиб, изчиллик билан ривожланиш сари юз тутаётган бир паллада юртбошимиз томонидан маънавият ва маърифатга алоҳида эътиборнинг янада кучайтирилганлиги айни муддао бўлди. Шу муносабат билан Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони биринчи галда мураббийлар учун юксак вазифаларни юклаш баробарида улар доимий давлат ҳимоясида эканлигининг кафолати ҳам бўлди. Бу Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, жамоатчиликни ёшлар тарбияси, таълими янада кенгроқ тушунтирадиган бўлсак, маънавияти-маърифатини керакли даражага кўтариш ишига жалб этди. Жойларда вилоят, туман, хўжалик раҳбарлари ўз ҳудудларидаги мактабларнинг, болалар боғчаларининг ғамхўрига айланмоқда. Кўпгина туманларда ҳокимликлар йирик-йирик ташкилотларни, корхоналарни уларга оталиқ ташкилоти сифатида биркитишган. Улар доимий равишда бу муассасалар иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришибди. Тошкент шаҳридаги «Новатор» кичик корхонаси фахрий ўқитувчилар жамғармасига 20 минг сўм, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси Миробод туманидаги 53-мактабга 150 минг сўм, «Гўштсут савдо» трести 147-мактабга 50 минг сўм, «Парранда» ишлаб чиқариш бирлашмаси 90 минг сўм, «Ўрта Осиё трансқурилиш» тресті 70 минг сўм миқдорида маблағ ажратди. Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги «Ёрдам берувчи жамғарма» томонидан 115 ўқувчига 19063 сўмлик кийим-кечаклар, ўқув-ёзув қуроллари бепул берилди. Ота-онаси йўқ болаларга 50 сўмдан нафақа берилаяпти.

Андижон вилоятидаги ҳунар-техника билим юртлари ва янги турдаги ўқув муассасалари, жумладан, 13-ХБТЮ «ДЭУ» корпорацияси билан, 16-ҳунар лицейи Қўрғонтепа ип-газлама комбинати билан, 35-ҲТБЮ «Андижонкабель» заводи билан, 37-ҲТБЮ ва 9-гимназия «Асака ёғ-мой комбинати» ва «ДЭУ» корпорацияси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Ҳомий ташкилотларнинг ҳар бири ўқув муассасаларига 500—600 минг сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдамини кўрсатганлар.

Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги «Чандир» жамоа хўжалиги (раиси З. Эркаев) ўз ҳисобидан 624 ўринли мактаб биноси қурмоқда. 25, 29 ва 35-жамоа ширкат хўжаликлари томонидан ўқитувчи ва тарбиячиларга 63,7 тонна ғалла, 7,4 тонна пахта ёғи, 161 килограмм гўшт, 3800 сўм нақд пул берилган.

Самарқанд тумани ҳокимлиги (ҳоким Раҳимахон Ҳакимова) 547 нафар кам даромадли, серфарзанд ўқитувчилар оиласига 250 минг сўм моддий ёрдам пули берди. Ўтган йил якунида 500 нафар педагогга 2,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Ҳомийлар, туман паррандачилик фабрикаси, матлубот жамияти ва қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 5001 нафар ўқитувчи ва тарбиячиларга 1 млн. 500 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 488 нафар ўқувчига 557 минг сўмлик миқдорида кийим-бош олиб берилди. 1996 йил ҳам бу ғамхўрлик янада кўпайди. Жумладан, 65 нафар иқтидорли ўқувчига 100 сўмдан стипендия берилиб келинмоқда.

Денов шаҳридаги «Чағониён» ҳиссадорлик жамияти (раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Комилжон Сапиев) шаҳардаги 1-болалар боғчаси ҳамда 4-мактабни ўз оталиғига олиб, уларга бир миллион сўмга яқин маблағ билан ёрдам берган.

Бу каби ҳомийликлар ҳам маълум маънода таълимни маблағ билан таъминлашдаги муқобил манбалар ҳисобланади. Бироқ, бу борада ҳам қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Жойларда олиб борилаётган хайрли ишлардан тегишли хулоса чиқармаётган, ҳамон танасидан боқимандаликни қувиб чиқара олмаган раҳбарлар учраб турибди. Президентимиз халқ депутатлари вилоят сессияларида бу каби қарашдаги раҳбарларнинг вақти ўтганлигини, ҳар куни халқ билан бирга, ижодкорлик, ташаббускорлик билан бошқаларга ўрнак бўладиган раҳбарлар замони келганлигини уқтирмоқда. Зеро, таълим-тарбия иши умумхалқ ишига айланиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз, келажакни муносиб қўлларга топширамиз, дея комил ишонч билан айтишимиз мумкин.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари.**



*Ёшлар муаммолари институтининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У «Камолот» жамғармаси қошида очилган бўлса-да, асосий соҳаси ёшлар муаммолари ўрганиш, уларнинг ечимларини кўрсатиб бериш, ёшларнинг малакасини ошириш—билим бериш ҳисобланади.*

*Яқинда халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёш кадрларни танлаш, уларга йўл очиш борасида ҳам фикрлар билдирилди. Бу муаммони ўрганиш ва ечимини топишда илмгоҳ ҳам ўз ҳиссасини қўшса айни муддао бўларди.*

*Германиядаги Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси директори доктор Алфред Диболд ушбу институт меҳмони бўлди. Илмгоҳ ректори М. Қирқизбоев институт ҳақида, доктор Эберт ўз жамғармаси ҳақида гапиришгач, ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олдилар.*

**Мухбиримиз.**

**СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.**
**Р. Галиев олган суратлар.**



*Tadbir*

# НАТИЖА ЎҚИТУВЧИГА БОҒЛИҚ

Тест синов усули ўқувчилар билим даражасини нафақат тез ва кенг қамровли тарзда, балки энг муҳими, ҳаққоний ва одилона, айни пайтда ошкора ва холис баҳолаш имконини беради. Шунга асосланган ҳолда кейинги йилларда Тошкент шаҳри мактабларида битириш имтиҳонлари компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда тест асосида ўтказиляпти. Ўтган ўқув йили якунида шаҳарнинг 240 та умумтаълим мактабларининг 12019 нафар 11-синф битирувчилари 5 та ўқув фанидан оғзаки имтиҳонларни электрон ҳисоблаш машиналари орқали топширдилар.

1996 — 97 ўқув йилида умумтаълим мактаблари битирувчи синф ўқувчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш пайтидаги билимлари Республика Давлат тест маркази хулосаларига кўра ўзига хос салмоқ касб этди. Бироқ у чуқур таҳлилга муҳтож. Айрим фанларни ўқитишда жузъий камчиликлар мавжуд. Баъзи фанлар бўйича шаҳар илм масканлари ўқувчилари билими Хоразм, Самарқанд, Андижон, Бухоро вилоятлари ўқувчилари билимига қараганда бирмунча пастроқ натижани кўрсатди. Гап шундаки, юқори кўрсаткичга эришишда бир қанча омиллар мавжуд бўлишига қарамай, улар тўлиқ ишга солинмади. Булардан ташқари кўп нарсалар ўқитувчи меҳнатига ҳам боғлиқ эканлиги аён бўлди...

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 25-махсус меҳнат таълими мактабида Давлат тест марказининг пойтахт илм масканлари бўйича хулосалари ва таҳлилига бағишланган йиғилишда ана шулар хусусида сўз борди. Унда мактаб раҳбарлари, услубчи муаллимлар, туман халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этишди. Йиғинни Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев очди ва бошқариб борди.

Йиғинда Республика Давлат тест маркази раҳбари Муҳсин Муҳиддинов сўзга чиқиб, тест маркази амалга оширган ишлар, тестларнинг мураккаблик савияси, уларнинг фандаги ўрни, мактабларда 11-синф ўғил-қизларини тест синовларига тайёрлаш, қабул қоидаларини кўриб чиқиш, жумладан, институтлар мутаносиблигини таъминлаш сингари масалалар юзасидан таҳлилий фикр юритди, иштирокчилардан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Давлат тест маркази хулосасига кўра Тошкент шаҳри ўқувчиларининг инглиз ва француз тиллари бўйича рейтинги жуда юқори бўлиб, ўғил-қизлар фан олимпиадалари беллашувларида ҳамда олий ўқув юртларига киришда ҳам ғолибликни қўлдан беришмаяпти. Бунга шаҳарда бир неча омилларга алоҳида эътибор берилаётгани сабабли эришилаяпти. Сирасини айтганда, чет тилини боғча ёшидан бошлаб ўрганиш мактабгача ёшдаги боланинг руҳий-физиологик хусусиятларига мос келади. Чунки боланикнинг бу даври билим, малака, кўникмалар олишда энг қулай фурсат бўлиб, бу билимлар таълимнинг кейинги босқичларида қўл келади. Шуни назарда тутган ҳолда шаҳар мактабгача тарбия муассасаларининг 149 тасида хорижий тиллар, жумладан, инглиз (128 та), араб (12 та) ва хитой (1 та) тилларини ўрганиш йўлга қўйилган. Натижада ўғил-қизлар боғчадан мактабга кетиш арафасида 300 — 350 та сўз бойлигига эга бўлмоқдалар...

Айрим фанларни ўқитишда шаҳар туманлари ўртасида тафовутлар бор. Масалан, она тили бўйича таълим бериш Мирзо Улуғбек туманида юқори ўринда турса, Мирообод туманида бу борадаги натижаларни яхши деб бўлмайди. Умуман олганда, шаҳар мактабларида математика, кимё, физика фанлари таълимини юқори босқичга кўтариш зарур бўлади. Бу хусусда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Шомухтор Шомансуров сўзлаб берди. Унинг таъкидлашича, ҳозир институт томонидан ўқув фанларининг ўқитилиш аҳволи қиёсий ўрганиляпти. Аниқланган ютуқ ва камчиликлар батафсил таҳлил қилинмоқда. Асосий эътиборни ўқитувчининг ўз фани бўйича ва психологик-педагогик жиҳатдан тайёргарлигини оширишга қаратиш зарур.

Дарҳақиқат, ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш, уни давр талабига мос равишда янги босқичга кўтаришда ўқитувчининг ўрни беқиёс. Ўқув режалари, ўқув адабиётлари қанчалик такомиллашган бўлмасин, ҳар томонлама етук, маҳоратли муаллимларсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.**

## ҲАМКОРЛИККА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Яқинда Чилонзор туман ҳокимиятида «Бола тарбиясида оила —мактаб — маҳалла ва ички ишлар ҳамкорлиги» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Конференцияда ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари иштирок этдилар. Уни туман прокурори Мурот Солиҳов олиб борди.

Конференцияда балоғат ёшига етмаган ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва огоҳлантириш масалалари кўриб чиқилди. Туман ҳокими муовини Мунира Обидова, шаҳар балоғатга етмаган болалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муҳтарам Ражабова, туман халқ таълими бўлими мудири Малик Абдалимов, «Гулистон» маҳалла оқсоқоли Йўлдош Абдураҳмонов, 103-гимназия мактаб директори И. Исомовалар сўзга чиқишиб, бугунги кунда Чилонзор туманида балоғатга етмаган ўсмирлар орасидаги қонунбузарлик қай даражада эканлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, конференцияда Республика ички ишлар вазирлиги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Хилватов ҳам иштирок этди.

Конференция сўнггида Чилонзор туман ҳокимлиги ички ишлар бўлими, мактаб, маҳалла ўз олдига бир қатор вазифаларни қўйди ва биргаликда иш олиб бориш учун тадбирлар ишлаб чиқдилар.

**Инобат ҚЎЧҚОРОВА,**
**Чилонзор туман ХТБ назоратчиси.**

*Maorifimiz tarixidan*

# МУНАВВАРҚОРИНИНГ МУАЛЛИМЛАРГА ҲАДЯСИ

Бугун истиқлол ҳақида сўз кетганда, беихтиёр хаёлингга жадидчилик ҳаракати ва унинг намоёндалари келади. Бу бежиз эмас, албатта. Жадидлар жабрдийда Туркистонни мустамлака исканжасидан халос қилиш, мазлум миллат қалбига маърифат, озодлик ва эрк нурини сочиш учун курашган, шу йўлда жонларини қурбон қилган чин фидойилардир. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли ана шу ҳаракатнинг илғор вакилларидан бири эди. У ўлкада маориф тизими ислоҳи учун курашган, янги усул мактабларининг илк дастур ва дарсликларини тузиб берган. Чунончи, 1914 йил Тошкентда нашр этилган «Адаб уд дин» (Саидаҳмад Васлий асари) китоби сўнггида ҳам Мунавварқори ўз дастурини эълон қилганки, бу «Намуна мактаби»нинг ҳафталик дарс жадвалидир. Унда мактабларнинг турли синфларига, хусусан, тазҳирия (ҳозирлов), «ибтидоий» («бошланғич») ва рушдий (юқори синфлар) учун алоҳида-алоҳида дарс жадвали тақдим қилинган. Ҳар бир синфда ўтиладиган фан, дарс соати, ўқитилиши тавсия қилинган китобнинг номи ва муаллифи берилган. Булар — она тили, форс ва рус тиллари, ҳисоб, тарих, жуғрофия ҳамда диний китоблар («Қуръон», «Ҳадис», «Сабот ул ожизин» кабилар) бўлиб, муаллифлари Мунавварқори, И. Ғаспирали, Ф. Каримий, Шокиржон, С. Васлий, М. Расуллардир. Жадвалда келтирилган фанлар қуйи ёхуд юқори синфларда бир ҳафтада неча соат ўқитилиши ва қай йўсинда олиб борилиши (оғзаки ёки ёзма) аниқ кўрсатиб берилган. Ҳафтада ўтиладиган соатлар тақсими қуйидагича:

Тазҳирия (ҳозирлов) синфларида — 25 соат,

Ибтидоий (бошланғич) биринчи синфда — 25 соат,

Ибтидоий иккинчи синфда — 25 соат,

Ибтидоий учинчи синфда — 25 соат,

Рушдий (юқори) синфларда — 30 соат.

Ўқитиладиган дарсликлар ҳам оддийдан мураккабга қараб боради, бу Мунавварқори дастурларининг афзаллигини янада оширади. Зеро, шу давр адабиёти билимдонларидан бири У. Долимов таъкидлаганидек, Мунавварқорининг «Адиби аввал» дарслиги асримиз бошларида яратилган алифболар ичида мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу мукаммаллик унинг методикасида кўринади. Худди шу фикрни унинг дастурларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Мунавварқори жадвали сўнггида шундай изоҳ берилган: **«Эҳтимолки, келажак йилда «Тарих умумий»нинг ўрнига Заки Валидийнинг «Турк-тотор тарихи» киритилса, чунки «Тарихи умумий»нинг рушдий синфларига оғирлиги маълум ўлмақдадур. Ушбу пруғромдаги китобларнинг ҳар бири эски Тошкандда «Туркистон кутубхонаси» тарафидан кўплаб ҳам чаканалаб мумкин қадар арзон баҳо ила сотилмакдадир».**

Мунавварқорининг жадвалидан олдин **«Муҳтарам муаллим афандилара ҳадя»** сарлавҳаси билан берилган, кириш сўзи қисқа бўлишига қарамай, чин фидойининг дардларини ифода эта олган. Ундан яна шу нарса ойдинлашадики, дастурнинг муаллимлар қўлига бориб етгунгача бўлган барча жараён (ҳолбуки, Туркистоннинг турли бурчакларидан дастур сўраб илтимос қилгувчилар кўп эди) муаллифнинг ўз зиммасига тушган. Ана шундай қийинчилик ва тўсиқларга қарамай, миллат маърифати учун хизмат қилишни ўзига шараф деб билган.

### «Муҳтарам муаллим афандилара ҳадя»

*Ҳар йили бир неча шаҳар ва қишлоқлардан усули жадида ва мактаблари учун пруғром (дарс ва китоблар жадвали) сўрагон илтимос мактублари олурман. Миллат ва маориф номина қилингон бундай ўтинчларни мамнуният ила куб вақт адо қилиб турсам ҳам муфассал бир пруғром ёзиб чиқмақға ва ўз кистамдан пучта масорифи (сарфи) ҳам тўлаб, сўрагон кишига юбормақға оғирсинуб (моддий иложсизликдан — Ж. М.) мактаб жавобини кечиктургон ва баъзи муаллим биродарларимни бир неча кун интизорлариға сабаб бўлғон вақтларим ҳам бўлмай қолмоғондур.*

*Бинои алайҳ, пруғром сўровчи муаллимлар ва мудир афандиларни ҳам ўзимни шул машаққатлардан қутқармак орзусида ўз идорамда бўлғон «Намуна мактаби»нинг ҳозирғи пруғромини, яъни ибтидоий ва рушдий синфларда ўқулмақда бўлғон фан ва китобларни зер (қуйи)даги жузвларда ёзуб янги усулда мактаб очмак ёки ўқутмак ташаббусида ўлан муҳтарам мудир ва муаллим афандиларга тақдим қилурман.*

*1914 нчи йил, 15 нчи январ.*

*Мунавварқори.*

**Ж. МЕЛИҚУЛОВ**
**нашрга тайёрлади.**

